



МАҒКУРАВИЙ ИММУНИТЕТНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ТАРҒИБОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Раҳбаров У.Р.

*Тошкент давлат педагогика университети Тарих факультети
“Маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” кафедраси
ф.ф.б.ф.д., PhD. в.б., доцент*

Таянч сўзлар: хорижий тажриба, халқаро аълоқалар, ахлоқ, маданият, кадрият, миллат, ижтимоий – етуклик, ахлоқий фазилат, юксак - маънавият, миллий ифтихор, маънавият.

Ключевые слова: зарубежный опыт, международные отношения, мораль, культура, ценности, нация, социально-зрелость, нравственная добродетель, высокая духовность, национальная гордость, духовность.

Key words: foreign experience, international relations, morality, culture, values, nation, social maturity, moral virtue, high spirituality, national pride, spirituality.

Ўзбекистон Республикаси амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг негизида ёш-авлодни ахлоқий жиҳатдан маънавиятли, ғоявий етук қилиб тарбиялаш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев 2023 йил 1 феврал куни Андижон вилоятига ташрифи чоғида ёшлар масаласига тўхталар экан, “касб эгалламай ўқишни битирганлар ҳаётда қийналади, иш тополмайди. Кимнинг қўлида ҳунари бўлиб, чет тилини билса, йўли очик. Сизларда шундай имконият бор. Ўзингизни қийнаб, қунт билан билим олинг, ҳунар ўрганинг. Қарорлар, саъй – ҳаракатлар қачон натижа беради? Мутахассис зўр бўлса. Мамлакатимизнинг энг катта-бойлиги – ёшлар” деган эди. Мазкур вазифани амалга оширишда ёшларининг ҳар биридан юксак касбий салоҳият ва инсоний сифатларга эга бўлиш талаб этилади. Чунки, хорижий тажрибалар асосида тарбиялаш ёшларнинг халқаро ҳамжамиятда ҳам ўз ўрнини топишига туртки беради.

Жумаладан, хорижий давлатларда мағкуравий тарғибот ишларини амалга ошириш куйидаги тамойиллар орқали амалга оширилади:

- а) мафкуравий тарғиботни замоновий технологиялар орқали амалга ошириб қамровини кенгайтириш;
- б) стереотипларга асосланиш;
- в) тақрорийлик;
- г) манзиллилик;
- д) кенг қамровлилик.

Мафкуравий тарғибот ишларини амалга оширишнинг бош тамойили тарғиботнинг ҳақиқатга асосланиш тамойили ётади. Етакчи хорижий мутахассислар фикрича, тарғиботга ёлгон асосланиш унинг имкониятларини, самарасини йўққа чиқаради. Мафкуравий тарғиботни шакллантиришдаги асосий мезон бу ғоя қаратилган объектлар учун умумий бўлган жиҳатни топиш ёки шакллантиришдир. Бугунги кунда мафкуравий тарғибот ишларини амалга оширишда миллий сайтларни ривожлантириш ва уларда тарғибот технологияларини қўллаш бўйича хорижий давлатларда бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада ривожланган давлатларнинг янги тарғибот технологиялари соҳасидаги ютуқларини ҳисобга олган ҳолда хориж тажрибасини ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Маълумки, мафкуравий ишларини амалга оширишда тарғибот технологияларини қўллаш бўйича Хитой Халқ Республикаси тажрибаси. Хитойда маънавий ишларни тарғиб қилиш йўналишида Интернет технологияларини қўллаш устувор ҳисобланади. Ҳукумат ёшларни маънавий ҳимоялаш мақсадида интернет орқали ўзининг миллий сайтларини ривожлантиришга катта эътибор бермоқда. ХХР Давлат Кенгашининг Ахборот агентлиги қошида тузилган махсус Интернет даги маънавий ташвиқот бўйича Маъмурий муассаса мамлакат миқёсида фаолият кўрсатиб келмоқда. У тармоқдаги давлат ташвиқотини йўналтиради ва мувофиқлаштиради. Шунингдек, бир неча йил муқаддам Хитойда интернетнинг ривожланиши йўлидаги асосий муаммолар сифатида мамлакатда яратилган сайтларнинг етишмаслиги ва хитой тилидаги контентнинг камлиги ҳисобланар эди. Мамлакатда мавжуд бўлган кўпчилик босма ва электрон нашрлар интернетда ўз сайтларига эга бўлишмаган ва кенг оммага тақдим этилмаган. Ўтган ўн йилликнинг бошларида, ХХР Давлат кенгаши, Интернет – муайян сиёсий ва ижтимоий дастурларни амалга ошириш йўлидаги қулай механизм, эканлигини тушуниб етганидан кейин вазият ўзгара бошлади. Шундан сўнг, Хитойда ушбу соҳани ривожлантириш учун инвестициялар кириб кела бошлади. Демак, биринчи босқичда, ҳукумат энг йирик ахборот агентликларининг Интернет сайтларини яратишни рағбатлантириб, уларда миллийлик ва маънавий кадриятларни эшиттириш ва тарқатиш тармоғини кенгайтirdи. Иккинчи босқичда, “Синьхуа” давлат ахборот агентлиги хорижий корреспондент пунктларининг миқдори 186 тагача оширилиб, унинг сунъий йўлдош ҳамда Интернет даги фаолият кўрса-



тиш қўлами кенгайтирилди. Турли мамлакат ва минтақа аҳолисининг Хитой орқали “биринчи қўл”дан ахборот олишига имконият яратиш учун Интернет тармоғида хорижий тиллардаги Хитой ОАВни ишга туширишга ҳам катта эътибор қаратилди. “Биринчи қўл” даги ахборотга миллийлик, Хитой халқига хос бўлган анъаналар ва Хитой мафкураси сингдирилди.

Шунингдек, хитойликлар махсус “Anti-CNN.com” сайтини яратади. Хитойликлар блоггерларининг фаол позицияси туфайли айрим Ғарбнинг ОАВларидан, жумладан, Германиянинг “RTL” ва “N-TV” телеканаллари, шу жумладан, АҚШнинг “Washington Post” газеталаридан узрномаларни олишга муваффақ бўлди. Шундай қилиб, замонавий Хитой ташқи сиёсий фаолиятида ҳам маънавий ташвиқотни амалга оширишда Пекин ташаббусни ўз қўлига олишга, хорижий давлатларнинг қарашларига жавоб бериш эмас, балки олдиндан ҳаракат қилишга, ҳагтоки ҳужум қилиш йўлидаги ҳаракатларга интилиши намоён бўла бошлади.

Хитойда Мафкуравий тарғибот ва миллий онгнинг шакллантиришнинг тарихий усуллардан самарали фойдаланилди. Бунда Конфуций таълимот асосий ўринни эгаллаган. Хитойнинг ютуғи Конфуций меросида асосий урғун дин сифатида эмас балки таълимот сифатида берилганидир. Бу мамлакатда таълимотга нисбатан мутаассиб кайфиятнинг шаклланишини олдини олди ва ўз навбатида замонавий Хитой қарашларини мослаштирди. Хитойнинг тарбиясида қаттиққўллик ва қатъий тартиб интизом устувор ҳисобланади. Айтиш жоизки, Хитойда мафкуравий ишларни тарғибот қилувчи марказ томонидан блогларни юритиш ва ижтимоий тармоқларда иштирок этиш жуда кенг тарқалган. Шу сабабли, блогларнинг аксарият қисми айнан хитой тилида, Хитой ғоялари асосида ёзилади. Хитойда ёшлар сайтларини ривожлантириш мақсадида Facebook, Twitter, Live journal ва бошқа хорижий ижтимоий тармоқларга нисбатан тўсиқ қўйилган, шу сабабли, блоглар юритиладиган асосий ресурс бўлиб, Хитойда машхурлиги бўйича учинчи ўринда турадиган “Sina Weibo” ҳисобланади.

Бугунги кунда сайтни ривожлантириш мақсадида Facebook фойдаланувчиларга бир қатор имкониятларни яратмоқда. Жумладан, 2016 йил 26 февралдан Facebook фойдаланувчиларига мустақил равишда ўз рекламасини яратиш имкониятини берди. Мобил қурилмалар учун жорий қилинаётган янги Canvas интерактив реклама формати матн, слайд-шоу, фото ва видео ёрдамида ижтимоий тармоқда муайян маҳсулотни реклама қилиш мақсадида ишга туширилмоқда.

Ёшлар тарбиясида мафкуравий ишларини амалга оширишда тарғибот технологияларини қўллаш бўйича Қозоғистон тажрибаси. Қозоғистон Республикасида ҳам мафкуравий тарғибот тарбия йўналиши бўйича алоҳида тарғибот ишлари олиб борилади. Ушбу фаолиятга партиялар кенг жалб

қилинган. “Нур Отан” ва унинг ёшлар қаноти, “Жас Отан” каби партиялар Олий таълим муассасалари ва мактаблар учун мўлжалланган турли тадбирлар ташкил этиб келмоқда. Шунингдек, “Хабар” ва “Қазақстан” телеканаллари, “Айбын”, “Ақсауыт”, “Дела армейские”, “Айқын”, “Мегаполис”, “Экспресс-К”, “Сарбаз”, “Айбын”, “Батыр”, “Оборонный вестник” каби нашрлар ватанпарварлик орқали мафкуравий тарғиботни олиб боришга мўлжаллангандир. Субъектлар томонидан эса Интернет-ТВ онлайн-трансляция режимида конференция ва учршувлар ўтказиб келмоқда. Шунингдек, ватанпарварликни тарғиб қилувчи “Офицер абыройы” деб номланган 30 серияли кинофильм ҳам ишланган бўлиб, ёшларда юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни ривожлантиришга бағишланади. Мафкуравий ишларни тарғиб қилишда муассасалараро ҳамкорлик яхши йўлга қўйилган бўлиб, унга қайси йўналишда мафкуравий тарғибот олиб борилса, ўша йўналишдаги асосий ташкилот координаторлик вазифасини бажаради. Масалан, ҳарбий соҳада ёшларни маънавий тарғибот ишларини Мудофаа вазирлиги мувофиқлаштиради.

Мафкуравий ишларини амалга оширишда тарғибот технологияларини қўллаш бўйича Жанубий Корея тажрибаси. Корея Республикасида асосий маънавий тарғибот объекти ва субъекти оила ҳисобланади. Оила умумий бюджетининг 56 % фарзанд учун сарфланади. Фарзанднинг дастлабки тарбияси билан факт оналар машғул бўлиши белгилаб қўйилган. Тарбиянинг дастлабки босқичида оналар ўз фарзандларига корейс миллий анъналарини (саломлашиш, катталарга ҳурмат) ўргатишади. Жанубий Кореяда маънавий тарғибот технологиялари оила негизида амалга оширилади, шунингдек, маънавий кадриятлар оилада сингдирилади. Бу вазифага ОАВ лари қўмаклашади. улардаги ҳар қандай ахборот фониди оилани асраш ва ривожлантиришга шарт-шароит яратиш ғояси сингдирилади.

Шарқ мамлакатларида тарғибот технологиясининг энг самарали усули сифатида норасмий лидерлардан фойдаланиш юқори натижаларни берган. Ҳар бир жамият, қатлам, гуруҳнинг ўз расмий етакчиларидан ташқари шу жамоа ичида обрў-эътиборга эга бўлган норасмий етакчилари мавжуд бўлади, Ўзбекистон мисолида маҳалладаги имом, онахонлар ёки нуруний отахонлар маънавий кадриятларни сингдиришга ёрдамлашади.

Умуман олганда, ривожланган мамлакатларнинг ғоявий ўз мақсадларини халқ мақсадларига уйғунлаштиришдаги асосий ютуғи ягона ҳудуд – ягона халқ тушунчаси шакллантирилганлигидир. Асосий эътибор мамлакатдаги кўп сонли миллатларнинг ҳар бирининг этник қараш ва ҳарактеридан келиб чиқмасдан ягона ўша ҳудуд учун миллат манфаатларидан келиб чиқиб ҳаркат қилишда бўлди. Бу каби мамлакатларда ватан ва давлат, халқ ва миллат тушунчалари ғоявий нуқтаи назардан бирлаштирилди. Энг асосийси мафку-



равий ишлар тарғиботида таги пуч ёки олди-қочди фикрларга асосланмаслиги керак, тарғиботга йўналтирилган ҳар бир восита ҳақиқатга асосланган бўрттириб кўрсатилмаган бўлиши керак.

Бугунги глобаллашув даврида замонавий алоқа ва коммуникация воситаларининг яратилиши дунёда ахборот жараёнларининг кескин тезлашувига замин яратди. Илмий кашфиётлар натижасида, универсал технологияларга асосланган тарғибот олиб бориш, шу билан биргаликда, инсонга маънавий таъсир кўрсатиш имкониятлари ҳам кенгайиб бормоқда. Бунинг натижасида турли сиёсий кучлар томонидан ўз манфаатларини амалга ошириш мақсадида маънавий таҳдидларни амалга оширишга қаратилган уринишлар содир этиш орқали ҳам ёшлар онгига таъсир қилиш бўйича ишлар олиб борилаётгани ҳам бугунги кунда ушбу соҳани кенг қўллаб қувватлашни даврнинг ўзи тақазо этаётгани билан ҳам белгиланади.

Адабиётлар:

1. Xalq so'zi. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев 2023 йил 1 феврал куни Андижон вилоятига ташрифи чоғидаги нутқи. 2023 й. 2 февраль. №-22-сон.
2. Johnson D. The techniques of propaganda Dubuque, IA: Brown/Benchmark. 2008. – P. 15.
3. Евдокимов Е. Политика Китая в глобальном информационном пространстве. Международные процессы. 2011, январь–апрель. Т. 9, № 1 (25). . URL://http://www.intertrends.ru/twenty-fifth/009.htm.
4. Таълимда илғор хориж тажрибалар. Ўқув-услубий мажмуа. Т. 2017. <https://tmetod.uz/wp-content/uploads/umk/2.2.-Talimda-ilgor-xorijiy-tajribalar.pdf>
5. <http://berunyalimov.uz/archives/422>

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада мафкуравий иммунитетни шакллантиришда тарғибот технологияларидан фойдаланишнинг хориж тажрибаси, хорижий мамлакатларда ёш-авлод тарбиясида ахлоқий фазилатларининг уйғунлиги, ёшларда ахлоқий маданиятини шакллантириш, ғоявий тарғибот, миллий ғоя, миллат ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги масаласи, талаба-ёшларнинг истикболи порлоқ бўлиши, юртига садоқати, ифтихорини қарор топтиришда юксак инсоний фазилатларни ривожлантиришнинг таъсир воситалари ёритилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье рассматривается зарубежный опыт использования пропагандистских технологий в формировании идеологического иммунитета, гармонии нравственных качеств в воспитании молодого поколения в зарубежных странах, формирования нравственной культуры у молодежи, проблемы идеологической пропаганды, выделены национальная идея, нация и их взаимозависимость, блестящие перспективы студентов и молодежи, их верность своей стране, гордость, эффективные средства развития высоких человеческих качеств при принятии решений.

SUMMARY

This article examines foreign experience in the use of propaganda technologies in the formation of ideological immunity, the harmony of moral qualities in the education of the younger generation in foreign countries, the formation of a moral culture among young people, the problems of ideological propaganda, the national idea, the nation and their interdependence, the brilliant prospects of students and youth are highlighted, their loyalty to their country, pride, effective means of developing high human qualities in decision making.